

Қурбон ҳайити куни Тошкент метроси соат 4 дан иш бошлайди



12:18 / 24.06.2023 792

«Қурбон Ҳайити» муносабати билан байрам кунлари поездлар қатнови ҳамда метро иш вақти қуйидаги тартибда амалга оширилади:

2023 йил 28 июнь — Қурбон Ҳайити байрами куни йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент метрополитени тонги соат 04:00 дан кеч соат 00:00 га қадар доимий жадвал асосида ўз иш фаолиятини олиб боради.

Шунингдек, метро йўловчиларига байрам муносабати билан белгиланган бошқа дам олиш кунларида эса якшанба куни учун тасдиқланган жадвал асосида соат 05:00 дан 00:00 гача хизмат кўрсатилади.